

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.04/30.09.2020.Ти6.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

**САДИКОВ САДИКЖОН БАБАЕВИЧ**

**ЖИГАРНИНГ СУРУНКАЛИ**  
**КАСАЛЛИКЛАРИДА КЛИНИК-ГЕМАТОЛОГИК ВА МОЛЕКУЛЯР-**  
**ГЕНЕТИК ЎЗARO БОғЛИҚЛИГИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**  
**14.00.29 – Гематология ва трансфузиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**

**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Садиков Садикжон Бабаевич**

Жигарнинг сурункали касалликларида клиник-гематологик ва молекуляр-генетик ўзаро боғлиқлиги.....

4

**Садиков Садикжон Бабаевич**

Клинико-гематологические и молекулярно-генетические взаимосвязи при хронических заболеваниях печени .....

25

**Sadikov Sadikjon Babayevich**

Clinical, hematological and molecular genetic relationships in chronic liver diseases .....

47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати ..... 52**

Список опубликованных работ ..... 52

List of published works ..... 52

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4506 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.urgfiltma.uz](http://www.urgfiltma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Абдуллаев Равшанбек Бабаджанович,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Маткаримова Дилфуза Сабуровна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Тошкенбаева Елеонора Негматовна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Сулейманова Дилора Нагаловна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпоғистон тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси “\_\_\_”\_\_\_\_\_2025 соат \_\_\_\_ да Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали ҳузуридаги илмий кенгаш мажлисида амалга оширилади. Манзил: 2201100, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 28-уй. Тел./факс: (+99862)224-84-84, э-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали ахборот-ресурс марказида (\_\_\_ рақами билан рўйхатдан ўтган) танишиш мумкин. Манзил: 2201100, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 28-уй. Телефон/факс: (+99862) 224-84-84

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.Ю.Рузибаев,**  
Илмий даражалар бериш бўйича  
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари  
доктори

**З.Ф.Джуманиязова,**  
Илмий даражалар бериш бўйича  
илмий кенгашнинг илмий котиби,  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**О.О. Жаббаров,**  
Илмий даражалар бериш бўйича  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
кенгаш аъзоси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор.

### **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сурункали жигар касаллиги (СЖК) гепатобилиар тизим касалликлари орасида энг кўп учрайдиган нозология ҳисобланиб, у билан ер шари аҳолисининг тахминан 25% азоб чекади<sup>1</sup>. «...Тез кўпайиб бориши билан ажралиб турадиган, шу билан бирга беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтирадиган СЖК бутун дунё бўйлаб жиддий тиббий-ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради»<sup>2</sup>. СЖК патогенези мураккаб бўлиб, унда нафақат касалликнинг пайдо бўлишига, балки унинг ривожланишига ҳисса қўшадиган кўплаб биокимёвий, молекуляр ва генетик компонентлар иштирок этади. ЖССТ (2020) маълумотларига кўра, Республикамизда меҳнатга лаёқатли контингент ўртасида жигар касалликларидан ўлим даражаси, аҳоли орасида умумий ўлимнинг 5,93% ни ташкил қилади. Шу муносабат билан, ҳозирги кунга қадар ушбу патологияни ўрганишда эришилган ютуқларга қарамай, ривожланиш механизмларида кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд, бу эса ўз навбатида эрта ташхис қўйиш усулларидаги қийинчиликларга олиб келади ва СЖКни даволашдаги самарадорликка ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида олиб борилган тадқиқотлар касалланиш ҳолатларининг юқори даражасини кўрсатди, асоратларнинг оғирлиги ва СЖК дан ўлим энг самарали эрта ташхисот ва башорат усулларини излаш зарурлигини исботлади. Бундан ташқари, аъзо шикастланишининг дастлабки босқичида цирроз ва саратоннинг шаклланишига олиб келадиган жигар яллиғланиш касалликларини сурункали ҳолатга келишига бутун Дунё бўйлаб диққат билан эътибор хавф факторларини, мураккаб СЖК ривожланишининг олдини олиш ва даволашнинг объектив усуллари сифатини яхшилашга доир ишланмалар ишлаб чиқиш ва тадқиқотларга қаратилган. Шу муносабат билан СЖК учун клиник ва лаборатория хавф омилларини аниқлаш; гематологик касалликлар даражасини, шунингдек цитокинлар ва толл-ўхшаш рецепторларнинг, генларининг таркибий ва функционал хусусиятларини аниқлаш; СЖК ва касалликнинг оғир билан генетик компонент ўртасидаги муносабатни баҳолаш; СЖК ривожланишининг ва кечишини оғирлаштирувчи дастлабки башорат мезонларини аниқлаш; СЖК билан оғриган беморларни даволашни олиб бориш учун диагностика, профилактика ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга ва бу соҳа долзарб ва истиқболли ҳисобланади. Бугунги кунда Республикамизда

---

<sup>1</sup> Mezzano G. et al. Global burden of disease: acute-on-chronic liver failure, a systematic review and meta-analysis //Gut. – 2022. – Т. 71. – №. 1. – С. 148-155.

<sup>2</sup> Bajaj J. S. et al. Acute-on-chronic liver failure clinical guidelines //Official journal of the American College of Gastroenterology| ACG. – 2022. – Т. 117. – №. 2. – С. 225-252.

соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мамлакатимиз ҳудудларида сурункали касалликлар билан касалланишни камайтиришни назарда тутувчи Жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасига эришишга қаратилган “Бирламчи тиббий хизмат томонидан аҳолига юқори малакали хизматлар кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш”. Ушбу вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, СЖКда клиник-гематологик ва молекуляр-генетик ўзаро боғлиқлигини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада “Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026-йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига тубдан янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ва 2019-йил 6-майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сон қарорида, 2020-йил 12-ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш йўли билан жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон, 2021-йил 25-майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5124-сон, “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-283-сон” 2022-йил 16-июндаги қарорларда, шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.**

Диссертация ишлари Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммони ўрганиш даражаси.** Жигар касалликларининг тарқалишини баҳолаш, гепатитдан циррозгача, жигар декомпенсацияси ва беморнинг критик ҳолатига ўтишида биокимёвий, гематологик ва генетик механизмларнинг роли, жигар шикастланиши бўлган шахсларда ўлимнинг асосий сабаблари замонавий гепатологиянинг энг истиқболли йўналишлари билан ифодаланади (С. Ванг, 2020; А. Шарма, С. Нагалли, 2023). Ҳозирги

вақтда жигар касалликларининг тарқалишини ўрганган ва баҳолаган тадқиқотлар мавжуд бўлиб, улар Осиё мамлакатларида касалланиш ҳар мингта аҳолида 52 га яқин, Ўзбекистонда эса 1000 кишига 28 та ҳолатни кўрсатади. (E. Makri, A. Goulas, S.A. Polyzos, 2021). Шу билан бирга, СЖК ривожланиш механизмларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда, яқинда ўтказилган тадқиқотлар бир нуклеотид полиморфизмлари жигар фибрози ва циррозини шакллантиришга ҳисса қўшиши, жигар етишмовчилиги ва жигар карсиномасини ривожланиш эҳтимолини ошириши мумкинлигини кўрсатди (V. Prysyzhnyuk, 2021). Хорижий тадқиқотчиларнинг натижалари гепатоцеллюляр ўлимнинг интерферон (ИФН) -γ даражасининг ўзгариши билан боғлиқлигини тасдиқлади (Р. М. Талаат, 2022). Бироқ, генетик полиморфизмларнинг СЖК шаклланишига таъсири ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Ўзбекистонда Андижон вилоятининг қишлоқ аҳолиси орасида жигар циррозининг тарқалишини таҳлил қилиш (А.М. Жураева ва бошқ., 2024), вирусли гепатитларда гемостазиологик бузилишларни баҳолаш (Қурбонова З.Ч. ва бошқалар, 2021; Д.Т. Содикова, 2021) бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Гепатоцитларда яллиғланишни келтириб чиқаришда COVID-19нинг роли Р.Р. Набиев (2023) тадқиқотларида келтирилган. Г.Н. Сабинова ва бошқалар (2020) алкоғолсиз ёғли жигар касаллигида (АЁЖК) ADIPOQ (rs1501299) генининг тарқалиши таҳлил қилинган. Шу билан бирга, СЖКдаги клиник-гематологик ва молекуляр - генетик ўзаро боғлиқлиги аниқланмаган.

Республикамызда янги инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш, шу билан бирга юқори технологияларни жорий этиш далилларга асосланган тиббиёт асосларини шакллантиришга индивидуал ёндашишга имкон беради. Хусусан, янги механизмларини очиш касалликнинг клиник кечишини оғирлашиши ва жигар циррозига ўтиш каби ҳолатларида СЖК ривожланишининг замонавий самарали диагностика ва прогностик мезонларини излаш каби ишлар олиб борилиши муҳим ва долзарб ҳисобланади.

**Диссертация ишининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқаси.**

Диссертация тадқиқотлари Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 20170928603 “Орол бўйи экологик ноқулай шароитнинг инсон саломатлигига таъсири ва касалликлар кечишини, тарқалишини ўрганиш, таъхислаш ва янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2022 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** сурункали жигар касалликларининг клиник кечишининг оғирлигига, ривожланишига, прогнозига, биокимёвий, гематологик ва генетик кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлик таъсирини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

сурункали жигар касаллиги бўлган беморларда клиник, биокимёвий ва гематологик кўрсаткичларни ҳолатини баҳолаш;

жигар шикастланишининг оғирлигига қараб биокимёвий ва гематологик бузилишларнинг ифодаланиш даражасини аниқлаш;

сурункали жигар касаллиги билан беморларда цитокин (IL1 $\beta$  (T-31C)), IL6 (C-174G), TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) ва Toll-симон рецепторлари (TLR4 (-728 GC)) ва TLR4 (-2272 AG) полиморф генларининг тарқлиш хусусиятларини ва уларнинг жигар шикастланишининг оғирлик даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш;

ўрганилган лаборатор ва генетик маркерларнинг баҳолаш ва аҳамиятини аниқлашга асосланиб, сурункали жигар шикастланишининг диагностикасини такомиллаштириш, уларни ривожланиши ва кечишини оғирлигини башорат қилишнинг янги мезонларини тақлиф қилиш.

**Тадқиқот объекти:** Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказидаги 19 ёшдан 79 ёшгача (ўртача 53,0 $\pm$ 5,8 ёш) сурункали жигар касаллиги бўлган 156 бемор ташкил этди. 2019 йилдан 2023 йилгача беморлар нозологиясига кўра, 2 гуруҳга бўлинди: хроник гепатит (n=75) ва жигар циррози билан (n=81). Назорат гуруҳи сифатида 80 та соғлом, асосий гуруҳга ёш ва жинс бўйича тўғри келган соғлом шахслар текширилди.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** текширилганларнинг биологик материаллари, яъни биохимик анализлар, гемограмма, коагулограмма таҳлили ва IL1 $\beta$  (T-31C), IL6 (C-174G), TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro), TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) генетик маркёрлари ҳолатини таҳлил қилиш учун веноз қон олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал, молекуляр-биологик ((SNP-ПЦР) ва статистик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагича:**

Сурункали жигар касалликларида қондаги гематологик ва гемостатик кўрсаткичларининг кўп компонентли бузилишлари, цитолитик синдромнинг биокимёвий кўрсаткичларининг яққоллиги билан ишончли боғлиқлиги аниқланган;

сурункали жигар касалликларининг ривожланиши ва оғир кечишида яллиғланиш жараёнини регуляциясида иштирок этадиган биаллел IL6 (C-174G) ва TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) генларнинг таъсири, шунингдек, цитокин IL1 $\beta$

(T-31C), туғма иммун тизими Toll-like рецепторлар TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) генлари касалликнинг шаклланиши ва клиник кечишида аҳамиятсиз эканлиги аниқланган;

иммун жараёнининг регулятори TGFb1 (Arg25Pro) геннинг салбий Pro аллел варианты сурункали гепатит ривожланиш хавфини оширишда мойиллиги, жигар циррозининг ривожланиши ўртасида IL6 (C-174G) геннинг нохуш S аллели ва TGFb1 (Arg25Pro) геннинг нохуш Pro аллели билан аҳамиятли боғлиқлик борлиги исботланган;

сурункали гепатит ва жигар циррози ҳолатида IL1 $\beta$  (T-31C), TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) биаллел генетик полиморфизмларнинг касаллик ривожланишида прогностик жиҳатдан аҳамияти йўқлиги аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

клиник амалиётда диагностик биокимёвий ва инструментал таҳлиллар мажмуасида гематологик ва гемостазиологик текширувлар сурункали гепатитнинг жигар циррозига ўтишини олдини олишга ёрдам берган;

сурункали жигар касалликларини эрта ташхислаш учун стандарт усуллар билан бир қаторда IL6 (C-174G) и TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) биаллел генларидаги мутацион ўзгаришларни аниқлаш тавсия этилган;

IL6 (C-174G) и TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) генларининг нохуш локусларининг жигар циррози хавфи билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни эрта прогностик генетик мезонлар сифатида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** ишда қўлланиладиган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, СЖКда клиник, биокимёвий, гематологик ва молекуляр-генетик статусини ўрганиш учун етарли ва юқори ўзига хос замонавий бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор ва молекуляр-генетик усуллардан фойдаланиш, беморларнинг етарли сони ва ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги билан асосланади. Статистик ишлов бериш, олинган натижаларни оқилона баҳолаш, халқаро натижалар билан таққослаш ва маҳаллий тадқиқотлар, олинган натижаларнинг хулосаларини ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Ишнинг назарий аҳамияти, IL1 $\beta$  (T-31C), IL6 (C-174G), TGFb1 (Arg25Pro), TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) генларининг ўрнатилган структур ва функционал профили СЖКнинг ривожланиши ва ЖС шаклланишини янги юқори самарали диагностик ва башоратлаш белгиларини аниқлашга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, IL6 (C- 174G) ва TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) нинг нохуш аллел ва генотиплари ташилишида СЖК ривожланишининг эҳтимолий хавфи ва жигар сиррозини шаклланиш башоратини ўз вақтида аниқлашга имкон берадиган янги мезонлар таклиф



этилган, бу эса жигар касалликлари билан оғриган беморларни даволашда терапевтик ва профилактика чора-тадбирларини амалга оширишга индивидуал ёндашиш имкон бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши:** Сурункали жигар касалликларини оғир кечишининг шаклланиши ва ривожланишининг клиник-гематологик ва молекуляр-генетик прогностик ўзаро боғлиқлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

**Биринчи илмий янгилик:** Сурункали жигар касалликларида қондаги гематологик ва гемостатик кўрсаткичларининг кўп компонентли бузилишлари, цитолитик синдромнинг биокимёвий кўрсаткичларининг яққоллиги билан ишончли боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича натижалар Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббий маркази (2024 йил 7 октябрдаги №11-сонли буйруқ) ва Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонаси (2024 йил 3 октябрдаги №72-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: сурункали жигар касалликлари хавфининг башорат қилувчи омилларини, жигар циррози шаклланишининг мустақил молекуляр-генетик маркерларини аниқлаш орқали касалликнинг эрта диагностика ва башорат қилиш самарадорлигини ошириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: сурункали жигар касалликлари ривожланиши ва унинг кечишининг оғирлашишида молекуляр-генетик компонентнинг ролини аниқлаш беморларнинг касалхонада ётиши кунларини қисқартириш ва беморларнинг бир кун касалхонада ётиши ҳисобига 170 684,2 сўм ҳамда йилига 17 516 676 сўм маблағни тежаш имконини берган. Хулоса: сурункали жигар касалликлари ва жигар циррози эрта генетик предикторларини аниқлаш орқали касалликнинг эрта ташхиси самарадорлигини ошириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ҳар бир беморга 17 516 676 сўм бюджет маблағини тежаш имконини берган;

**Иккинчи илмий янгилик:** Сурункали жигар касалликларининг ривожланиши ва оғир кечишида яллиғланиш жараёнини регуляциясида иштирок этадиган биаллел IL6 (C-174G) ва TGFb1 (Arg25Pro) генларнинг таъсири, шунингдек, цитокин IL1β (T-31C), туғма иммун тизими Toll-like рецепторлар TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) генлари касалликнинг шаклланиши ва клиник кечишида аҳамиятсизлиги бўйича натижалар Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббий маркази (2024 йил 7 октябрдаги №11-сонли буйруқ) ва Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонаси (2024 йил 3 октябрдаги №72-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: молекуляр-биологик таҳлил асосида IL1β (T-31C), IL6 (C-174G), TGFb1 (Arg25Pro), TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-227 GC) генетик

маркерларининг тарқалиш даражасини аниқлаш орқали сурункали жигар касалликлари клиник кечишининг оғирлашуви ва беморлар ногиронлигининг олдини олиш имконини бериши аниқланган. Иқтисодий самарадорлиги: генетик белгиларни ўрганиш самарадорлигининг мантикий асослари беморларнинг бир кунда касалхонада қолиши ва ҳар бир беморни касалхонага ётқизиш вақтини қисқартириш орқали 512 052,6 сўм маблағни тежаш ҳамда тавсия этилган диагностик схема йилига 82 нафар бемор ҳисобига 432 960 000 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: сурункали жигар касалликлари билан касалланган беморларда IL1 $\beta$  (T-31C), IL6 (C-174G), TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro), TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) генетик маркерларининг нохуш локуслари ролини асослаш орқали ҳар бир бемор учун йилига 17 516 676 сўм бюджет маблағини тежаш имконини берган;

**учинчи илмий янгилик:** Иммун жараёнининг регулятори TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) геннинг салбий Pro аллел варианты сурункали гепатит ривожланиш хавфини оширишда мойиллиги, жигар сиррозининг ривожланиши ўртасида IL6 (C-174G) геннинг нохуш S аллели ва TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) геннинг нохуш Pro аллели билан аҳамиятли боғлиқлик борлиги исботланганлиги Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббий маркази (2024 йил 7 октябрдаги №11-сонли буйруқ) ва Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонаси (2024 йил 3 октябрдаги №72-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: диагностика самарадорлигини оширишга TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) заифлашган локусларининг (Pro ва Arg/Pro) функционал фаоллиги сурункали жигар касалликлари ривожланиш хавфини 3,4 ( $\chi^2=7,0$ ;  $R=0,01$ ) ва 2,3 марта ( $\chi^2=2,7$ ;  $R=0,1$ ) ошишини асослаш орқали эришилган. Иқтисодий самарадорлиги: сурункали жигар касалликларини ривожланиш хавфини оширишда TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) геннинг заифлашган Pro аллели ва Arg/Pro генотипини текшириш, беморларнинг бир кун касалхонада ётиши ҳисобига 170 684,2 сўм ва касалхонада қолиш муддати 3 кунда қисқариши ҳисобига ҳар бир беморга 512 052,6 сўм маблағини тежаш имкониятини яратган ҳамда тавсия этилган диагностик усул йилига 82 нафар бемор ҳисобига 432 960 000 сўм маблағни тежаш имконини берган. Хулоса: TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro) генетик маркерларининг заифлашган Pro аллели ва Arg/Pro генотипи ролини асослаш орқали касалликка эрта ташхис қўйиш ҳамда ҳар бир бемор учун йилига 17 516 676 сўм бюджет маблағини тежаш имконини берган;

**тўртинчи илмий янгилик:** Сурункали гепатит ва жигар циррози ҳолатида IL1 $\beta$  (T-31C), TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) биаллел генетик полиморфизмларнинг касаллик ривожланишида прогностик жиҳатдан

аҳамияти йўқлиги аниқланганлиги Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббий маркази (2024 йил 7 октябрдаги №11-сонли буйруқ) ва Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонаси (2024 йил 3 октябрдаги №72-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: сурункали жигар касалликлари билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш генетик маркерларнинг сурункали гепатит ва жигар циррози ривожланиш хавфидаги ролини асослаш орқали эришилган. Иқтисодий самарадорлиги: полиморф генларнинг сурункали жигар касалликлари пайдо бўлиш хавфи ортиши аниқланиши билан беморларнинг йилига стационар даволаниш харажатлари ҳисобига 17 516 676 сўмни, тавсия этилган диагностик ва прогностик генетик маркерларни қўллаш 82 нафар бемор ҳисобига 432 960 000 сўм маблағни тежаш имконини берган. Хулоса: TGFb1 (Arg25Pro) генетик маркерларининг заифлашган Pro аллели ва Arg/Pro генотипини сурункали жигар касалликларининг ривожланишини аниқлаш орқали ҳар бир бемор учун йилига 17 516 676 сўм бюджет маблағини тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 6 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Сурункали жигар касалликлари: шаклланишининг патогенетик асослари, генетик омиллар ва гематологик бузилишларнинг роли (адабиётлар шархи)”** сурункали жигар касалликлари (СЖК) муаммосини ўрганишнинг долзарблигини,

маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг СЖК ривожланишининг тарқалиши, этиопатогенетик асослари тўғрисидаги замонавий натижаларини батафсил таҳлил қилади. СЖК ривожланишида муҳим таркибий қисм сифатида молекуляр-генетик омилларга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, клиник кечиши ҳақида маълумотлар келтирилган ва СЖКнинг замонавий ташхислаш масалалари ёритилган. Ушбу бобнинг хулосасида диагностика ва башоратлаш усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, СЖК муаммосининг ҳал қилинмаган томонлари кўрсатилган.

**Диссертациянинг иккинчи боби “Материал ва жигарнинг сурункали касалликлари билан оғриган беморларни ўрганиш усуллари”** тадқиқот дизайни ва клиник материаллар тавсифига, шунингдек, клиник, лаборатор, инструментал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқотларни ўз ичига олган дастур ва методикаларни баён этишга бағишланган.

Тадқиқотда 236 нафар катта ёшдаги, шулардан 156 нафари СЖК билан оғриган беморлар ва 80 нафари шартли равишда соғлом бўлиб, уларда гепатобилиар тизим патологияси аниқланмаган шахслар қатнашган. Тадқиқот иштирокчилари ёши ўртача  $53,0 \pm 5,8$  ёшни ташкил этди. Беморларнинг сараланиши 2019-2023 йиллар давомида Хоразм вилояти қўп тармлоқли тиббиёт марказида (ВКТТМ) амалга оширилган. Шунингдек, беморлар нозологияга қараб, сурункали гепатит ( $n=75$ ) ва жигар сиррози ( $n=81$ ) гуруҳларига ажратилди. Уларга жигар касалликларини ташхислаш бўйича миллий тавсиялар асосида ташхис қўйилган.

**Клиник текширувлар** беморларни сўровнома орқали амнезини таҳлил қилиш ва уларни текширишни ўз ичига олган. Ультратовуш текшируви орқали жигарнинг эхоманзараси «Fujinon VP-3500 HD» (Япония, 2018) ускунасида баҳоланган.

Лаборатор текширувлари қуйидагиларни ўз ичига олган: қоннинг биохимик кўрсаткичларини аниқлаш («Meril, Ҳиндистон» автоматик биохимик анализатори «Erba – Чехия» ва «Human – Германия» компанияларининг реактивлари қўлланилган), умумий қон таҳлилида гематологик кўрсаткичларни баҳолаш («Mindray, Хитой» автоматик гематологик анализатори ва «Mindray, Хитой» компаниясининг реактивлари ёрдамида) ҳамда коагулограмма таҳлилинини ўтказиш («Mindray, Хитой» коагулометр ва «Mindray, Хитой» компаниясининг реактивлари ёрдамида).

IL1 $\beta$  (T-31C), IL6 (C-174G), TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro), TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) генларининг SNPлари ПЦР-SSP усули билан таҳлил қилинди. ДНК фрагментлари 283 п.н. узунликдаги ДНК фрагментлари ўз ичига олган IL1 $\beta$  (T-31C), IL6 (C-174G), TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro), TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) генлар полиморфизмларини аллель-специфик праймерлар ёрдамида амплификацияланди. Бу жараён Австралияда ишлаб чиқилган CG-1-96 «CorbettResearch» ва АҚШда ишлаб чиқилган 2720 «AppliedBiosystems» программалаштирилувчи термоцикларида, ООО «Litech» компаниясининг реагентлар тизими ёрдамида ишлаб чиқарувчининг кўрсатмалари асосида амалга оширилди.

СЖК билан оғриган беморлардан олинган маълумотларнинг статистик таҳлили «Statistika for Excel» ва «OpenEpi 2009, Version 2.3» дастурлари ёрдамида ўтказилди. Аниқланган кўрсаткичларда ўзгарувчанликлар ўртача кийматлар  $\pm$  стандарт оғиш сифатида ифодаланди. IL1 $\beta$  (T-31C), IL6 (C-174G), TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro), TLR4 (-728 GC) ва TLR4 (-2272 AG) генларининг SNPлари ва СЖК (СГ ва ЖС) хавфи ўртасидаги боғлиқлик регрессия модели орқали баҳоланди. Бу жараёнда  $\chi^2$  мезони, имкониятлар нисбати (OR) ва 95% ишончли интерваллар (CI) ҳисобланди. Факторларни баҳолаш жараёнида ҳолатлар ва назорат гуруҳи ўртасидаги фарқлар ўрганилди. Барча статистик натижалар  $P \leq 0.05$  даражасида ишончли деб қабул қилинди.

Диссертациянинг **“Сурункали жигар касаллиги бўлган беморларда клиник, инструментал, биокимёвий ва гематологик маълумотларни таҳлили”** учинчи бобида текширилганлар гуруҳлари клиник ҳолат ва инструментал маълумотларнинг кўрсаткичларини, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари бўйича жигарнинг функционал ҳолатининг ҳолатини, клиник таҳлилдаги гематологик кўрсаткичларни ва қон ивиш тизимини баҳолаш натижалари ёритилган. Шу билан бирга, ушбу бобда ўрганилган биокимёвий ва гематологик кўрсаткичлар СЖК ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш натижаларини кўрсатгани. Асосий гуруҳдаги СЖК билан оғриган беморларнинг ёши ва жинси хусусиятларини таҳлил қилиб, касаллик 45-74 ёшдаги аёллар орасида кўпроқ ривожланганлиги аниқланди. СГ билан оғриган беморлар гуруҳида таҳлил қилинганда, 19 дан 59 ёшгача бўлган гуруҳда оғриқнинг юқори даражаси кузатилган, 19 дан 44 ёшгача ва 60 дан 74 ёшгача бўлган беморлар сони анча юқори бўлган. Шу билан бирга, ЖС билан оғриган беморлар гуруҳида касаллик 45 дан 74 ёшгача кўпроқ намоён бўлди, статистик жиҳатдан эркаклар билан таққослаганда аёллар сони сезиларли даражада ошганлиги аниқланган.

Беморларнинг барча гуруҳларида СЖК ривожланишининг асосий сабабини таҳлил қилиб, беморларнинг 70% дан кўпроғида “С” вирусли гепатит борлиги аниқланди. Беморларнинг асосий гуруҳида ва СГ гуруҳида касалликнинг 20% дан ортиғи “В” вирусли гепатит билан боғлиқ бўлса, ЖС бўлган гуруҳда бу сабаб деярли 15% ни ташкил этди. Бундан ташқари, барча гуруҳларда вирусли гепатит “В”+ “D” борлиги аниқланди, бу кўпинча ЖС билан оғриган беморларда қайд этилган.

СЖКда энг кўп учрайдиган ва хос клиник кўринишлар қуйидагилардан иборат бўлган: 41,7% (65) ҳолатда гепатомегалия, 28,2% (44) ҳолатда спленомегалия, 41,7% (65) ҳолатда астеновегетатив синдром ва 32,7% (51) ҳолатда оғриқ синдроми, шунингдек, 50,0% (78) ҳолатда диспепсия қайд этилган (1 расм).



**1-расм. Жигарнинг сурункали касалликлари (СЖК)да клиник кўринишларнинг учраши (%)**

Шу билан бирга, сурункали гепатит (СГ) ва жигар сиррози (ЖС) бўлган беморларда: эпигастрал соҳада оғриқ ва оғирлик ҳисси СГда 32 (42,7%) ва ЖСда 38 (46,9%) ҳолатда қайд этилган; оғриқ синдроми СГда 26 (34,6%) ва ЖСда 25 (30,8%) беморларда, гепатомегалия СГда 36 (48,0%) ва ЖСда 29 (35,8%) ҳолатларда, астения СГда 23 (30,7%) ва ЖСда 42 (51,8%) ҳолатларда, диспепсия СГда 36 (48,0%) ва ЖСда 42 (51,8%) беморларда кузатилган; холестаэзининг клиник белгиларидан бири бўлган тери қичиши СЖК бўлган беморларнинг 31,7% (26) ҳолатида қайд этилган, шу жумладан ЖС бўлган беморларда 22,3% (18) ва СГда 9,4% (7) ҳолатда, спленомегалия (54,3%/44) ва асцит (39,5%/32) асосан ЖС билан оғриган беморларда кузатилган. Бундан ташқари, ЖС бўлган 11,2% (9) беморларда милклардан қон кетиши ва бурундан қон кетишлари кузатилган.

СГ бўлган беморлар (n=75)да ультратовуш текшируви натижаларига кўра, барча беморларда (100%) жигар эхоструктурасида диффуз ўзгаришлар кузатилган. Жигар паренхимаси ўрта ва майда донодорликда кузатилган. Шу билан бирга, 48,0% (36) ҳолатда жигар ўлчамлари +152 ммдан +482 ммгача катталашгани аниқланган.

ЖС бўлган беморларнинг (n=75) инструментал текширув натижалари натижасида 35,8% (29) беморда жигарнинг ва 54,3% (44) беморда талокнинг катталашини аниқланган. Шунингдек, 100% (81) ҳолатларда жигар тўқимасининг қалинлашгани, чегараси нотекис, юзаси ғадир-будур ва томирлар йўналишининг ўзгариши (томирларнинг сийраклашганлиги ва кийшиқлиги) қайд этилган. Бундан ташқари: 76,5% (62) ҳолатда портал ва талок томирларнинг кенгайиши; 39,5% (32) беморда қорин бўшлиғида эркин суюқлик мавжудлиги аниқланган эди.

СЖК бўлган беморларда қон биохимик кўрсаткичларини таҳлил қилиш жараёнида жигар дисфункциясини акс эттирувчи ўзгаришлар аниқланган эди. СЖК бўлган беморларда боғланган билирубин ва АЛТ концентрациясининг ишончли ошиши қайд этилди. Бироқ, уларнинг максимал даражаси ЖС билан оғриган беморларда кузатилди. Шунингдек,

ЖС бўлган беморларда альбумин миқдорининг ишончли пасайиши ва мочевино миқдорининг ошиши қайд этилди (1 Жадвал).

### 1-Жадвал

СЖКда қон биохимик кўрсаткичларининг тавсифи ( $M \pm m$ ).

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи	СЖК (n=156)	СГ (n=75)	ЖС (n=81)
Умумий оқсил, г/л	75,6±4,6	59,7±7,9	64,0±1,02	55,7±0,8
Альбумин, г/л	44,3±5,21	33,3±5,61	39,2±0,7	27,9±0,3*
Умумий билирубин, мкмол/л	23,91±3,72	31,7±4,3**	27,8±2,7**	35,3±3,6***
Боғланган билирубин, мкмоль/л	6,16±1,92	19,6±2,73***	16,1±1,6**	24,0±3,1***
Эркин билирубин, мкмоль/л	18,81±3,2	12,1±3,31	11,7±0,7	11,3±1,2
АЛТ, Ед/л	20,4±4,61	55,3±9,1**	55,8±5,4**	58,3±3,4**
АСТ, Ед/л	17,53±5,34	44,2±7,9**	43,2±4,4**	52,9±2,3***
де Ритис коэффиценти	0,9±0,021	0,8±0,03	0,77±0,01	0,9±0,04
ЛДГ, Ед/л	337,5±6,82	471,9±20,3	456,9±1,6	485,9±3,9
ИФ, Ед/л	188,51±7,43	171,2±11,5	162,6±2,3	179,1±3,2
Мочевина, ммоль/л	4,5±0,91	4,2±1,1	4,9±1,8	2,9±0,9*

**Изоҳ:**\*- назорат гуруҳи билан солиштирганда фарқнинг ишончилиги:

\* - $P < 0.05$ ; \*\* - $P < 0.01$ ; \*\*\* - $P < 0.001$ .

Беморларнинг барча гуруҳларида қоннинг умумий таҳлилида гематологик кўрсаткичларнинг ҳолатини таҳлил қилиб, анемия, лейкопения, тромбоцитопения ва ЭЧТнинг тезлашиши аниқланган. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариши жигар циррозида аниқ ифодаланган (2 Жадвал).

### 2-Жадвал

СЖКда умумий қон таҳлили (ОАК) гематологик кўрсаткичларининг медианаси ( $M \pm m$ )

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи	СЖК (n=156)	СГ (n=75)	ЖС (n=81)
Гемоглобин, г/л	132,2±7,62	86,2±10,5	91,5±1,5	81,3±1,03
Эритроцит, ( $\times 10^{12}/л$ )	4,68±1,1	3,33±2,1	3,4±0,05	3,3±0,5

Тромбоцит, ( $\times 10^9/\text{л}$ )	296,4 $\pm$ 8,62	149,2 $\pm$ 24,3*	196,8 $\pm$ 3,5	105,1 $\pm$ 3,05**
Лейкоцит, ( $\times 10^9/\text{л}$ )	7,72 $\pm$ 1,8	5,8 $\pm$ 2,2	6,1 $\pm$ 0,2	5,6 $\pm$ 0,2
ЭЧТ, мм/ч	8,41 $\pm$ 1,8	13,5 $\pm$ 2,2*	10,7 $\pm$ 0,6	16,1 $\pm$ 1,03**

**Изох:**\*- назорат гуруҳи билан солиштирганда фарқнинг ишончилиги:  
\* - $P<0.05$ ; \*\* - $P<0.01$ ; \*\*\* - $P<0.001$ .

СЖК билан оғриган беморларда умумий қон таҳлили кўрсаткичларини баҳолашдан ташқари, анемиянинг келиб чиқишига аниқлик киритиш учун, ферритин, фолат кислотаси ва цианкобаламинларни зардобдаги миқдорни баҳолаш жуда қизиқарли бўлди, бу эса СЖК билан оғриган беморлар умумий гуруҳида ҳам, СГ ва ЖС гуруҳларида ҳам алоҳида ўрганилди.

СЖК (СГ ва ЖС) бўлган беморларда ферритин концентрациясини таҳлил қилиш натижасида унинг миқдори нормал чегараларга тўғри келиши аниқланган. Шу билан бирга, ферритин концентрациясининг медианаси назоратга нисбатан асосий беморлар гуруҳида назорат медианасига нисбатан 1,4 марта юқори бўлган (113,3 $\pm$ 13,6 нм/мл;  $P>0.05$ ), СГ гуруҳида 1,45 марта (118,0 $\pm$ 3,4 нм/мл;  $P>0.05$ ) ва ЖС гуруҳида 1,34 марта (108,9 $\pm$ 2,2 нм/мл;  $P>0.05$ ) юқори бўлган. Эҳтимол, ушбу ҳолатда ферритиннинг нисбий ошиши СЖК билан оғриган беморларда актив хроник яллиғланишнинг маркери сифатида намоён бўлиб, яллиғланиш жараёни фаол бўлмаган ҳолатда унинг ҳақиқий миқдорини акс эттирмаган.

Шу билан бирга, СЖК билан оғриган беморларда зардобдаги фолат кислотаси миқдори нормал кўрсаткичнинг энг паст даражаларига тўғри келиши аниқланди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, назорат медианасига нисбатан асосий беморлар гуруҳида фолат кислотаси миқдори 3,7 марта ишончли даражада камайган (2,9 $\pm$ 1,9 нмоль/л;  $P<0.001$ ), СГ гуруҳида ҳам 3,7 марта (2,9 $\pm$ 0,03;  $P<0.001$ ), ЖС гуруҳида эса 3,8 марта (2,8 $\pm$ 0,02;  $P<0.001$ ) камайгани қайд этилган.

СЖК билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбатан зардобдаги цианкобаламин миқдорининг камайиши ҳам аниқланди, яъни норманинг паст чегараларига тўғри келган. Асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 3,64 марта паст бўлган (174,4 $\pm$ 19,1 пмоль/л;  $P<0.001$ ), СГда 3,45 марта (183,6 $\pm$ 1,7 пмоль/л;  $P<0.001$ ) ва ЖСда 3,8 марта (165,9 $\pm$ 3,2 пмоль/л;  $P<0.001$ ) паст бўлган. Фолат кислотаси ва цианкобаламин кўрсаткичлари бўйича беморлар гуруҳлари ва назорат гуруҳи ўртасидаги фарқлар СЖКда уларнинг миқдори сезиларли даражада камайишини кўрсатди.

Шунингдек, СЖК билан оғриган беморларда, назорат гуруҳига нисбатан, цианкобаламиннинг зардобдаги миқдори ҳам норманинг паст даражасида бўлиб, статистик жиҳатдан ишончли равишда камайган. Асосий гуруҳда бу кўрсаткич назоратдан 3,64 марта пастроқ бўлган (174,4 $\pm$ 19,1 пмоль/л;  $P<0.001$ ), СГ гуруҳида 3,45 марта (183,6 $\pm$ 1,7 пмоль/л;  $P<0.001$ ) ва ЖС гуруҳида 3,8 марта 165,9 $\pm$ 3,2 пмоль/л;  $P<0.001$ ) паст бўлган.



Фолат кислотаси ва цианкобаламин кўрсаткичлари бўйича беморлар гуруҳлари ва назорат гуруҳи ўртасидаги фарқлар СЖКда уларнинг миқдори сезиларли даражада камайганлигини кўрсатади.

Шу тарика, жигарнинг сурункали касалликлари (СЖК) учун умумий қон таҳлилида бир қатор ўзгаришлар хос бўлиб, улар гемоглобин, эритроцитлар, тромбоцитлар ва лейкоцитлар даражасининг камайиши ва эритроцитлар чўкиш тезлигининг (ЭЧТ) тезлашиши билан намоён бўлади. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, жигар зарарланишининг кучайиши, айниқса, ЖС, умумий қон таҳлилида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлардаги яққол ўзгаришлар билан намоён бўлади. Ушбу ўзгаришлар жуда муҳим лаборатор белгилар бўлиб, уларни ЖС ривожланишининг дастлабки босқичларида вақтида аниқлаш ва коррекциялаш натижасида касалликнинг оғирлашишини олдини олиш мумкин.

СЖК билан оғриган беморларда гемостаз тизимининг коагуляцион бўғинидаги нуқсонлар аниқланди, улар тромбоцитлар миқдорининг камайиши фонида юзага келиб, жигарнинг зарарланиш даражасига боғлиқ бўлган. Айниқса, қон ивиш вақти (ҚИВ), қон оқиш вақти (КОВ), қисман активлашган тромбопластин вақти (ҚАТВ), протромбин вақти (ПВ), халқаро нормалаштирилган муносабат (ХНМ) ва протромбин индекси (ПТИ) кўрсаткичларининг асосий гуруҳда, айниқса, ЖСда ифодаланган ўзгаришлари билан намоён бўлган.

Эҳтимол, ЖС бўлган беморларда кузатилган яққол жигар коагулопатияси К витамини ва унга боғлиқ плазма омилларининг синтезининг камайиши билан боғлиқ бўлган. Бундан ташқари, жигарда унинг кучли истеъмол қилиниши ва синтезнинг бузилиши натижасида фибриноген концентрациясининг пасайиши юзага келган. Шу билан бирга, жигар зарарланишининг оғирлигини акс эттирувчи яллиғланиш маркерларидан бири сифатида D-димер даражасининг ошиши қайд этилган бўлиб, у назорат гуруҳига нисбатан барча беморлар гуруҳларида ошган, энг юқори даража эса ЖСда кузатилган.

Шу билан бирга, сурункали жигар касаллиги билан беморларда биокимёвий ва гематологик бузилишлар орасида, тромбоцитлар миқдорининг пасайиши ПТИ ( $r = 0.82$ ), фибриногенин ( $r = -0.80$ ) пасайиши ва D-димер даражасини ошиши ( $r = -0.84$ ) билан кучли корреляцион ўзаро боғлиқлик, шунингдек тромбоцитларнинг камайиши ҚИВ ( $r = -0.69$ ), ҚОВ ( $r = 0.54$ ) ва альбумин даражасини пасайиши ( $r = 0.68$ ) билан сезиларли боғлиқлик аниқланган.

Диссертациянинг **“Сурункали жигар касалликларида генетик полиморфизмларнинг тарқалиши ва функционал фаоллиги”** тўртинчи бобида сурункали жигар касалликларида полифункционал цитокинлар (IL1 $\beta$  (T-31C), IL6 (C-174G), TGF $\beta$ 1 (Arg25Pro)), Toll-like рецепторларнинг (TLR4 (-728 GC), TLR4 (-2272 AG)) полиморфизмларини таҳлил қилиш бўйича ўз тадқиқотларидан олинган маълумотларни тақдим этилган.

Икки томонлама тартибда IL1 $\beta$  (T-31C) гени частоталарининг фарқини қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, СЖК бўлган асосий гуруҳда соғлом

танлов билан таққослаганда С аллели камроқ учраган ва унинг учраш даражаси бирликдан паст бўлган (29,9% га нисбатан 31,9%;  $\chi^2=0.2$ ;  $P=0.7$ ), асосий Т аллели эса, аксинча, 1,1 марта кўпроқ қайд этилган (70,1% га нисбатан 68,1%;  $\chi^2=0.2$ ;  $P=0.7$ ;  $OR=1.1$ ). Шу билан бирга, СЖК бўлган беморлар орасида Т/С (35,4% га нисбатан 36,3%;  $\chi^2<3.84$ ) ва С/С (12,2% га нисбатан 13,8%;  $\chi^2=0.1$ ;  $P=0.8$ ) заиф генотиплари ҳам камроқ учраган, асосий Т/Т генотиби эса, аксинча, 1,1 марта кўпроқ қайд этилган (52,4% га нисбатан 50,0%;  $\chi^2=0.1$ ;  $P=0.8$ ) (3 Жадвал).

СГ гуруҳида асосий аллел Т 1,5 марта кўп учради (76,3% га нисбатан 68,1%;  $\chi^2=1.7$ ;  $P=0.2$ ), заиф С аллел эса камроқ (23.7% га нисбатан 31.9%;  $\chi^2=1.7$ ;  $P=0.2$ ).

Асосий Т/Т генотипининг учраш даражаси беморлар орасида 1,5 баравар кўпроқ аниқланди (60,5% га нисбатан 50,0%;  $\chi^2=1.1$ ;  $P=0.3$ ) ва заифлашган Т/С вариантлари (31.6% га нисбатан 36.3%;  $\chi^2=0.2$ ;  $P=0.7$ ) ва С/С (7.9% га нисбатан 13.8%;  $\chi^2=0.8$ ;  $P=0.4$ ) паст частотада аниқланган.

Бироқ, ЖС гуруҳида заифлашган С аллелининг учраш даражаси 1,2 баравар юқори бўлишига қарамай (35.2% га нисбатан 31.9%;  $\chi^2=0.3$ ;  $P=0.6$ ) ва заиф Т/С вариантларининг частоталари 1.1 да (38.6% га нисбатан 36.3%;  $\chi^2=0.1$ ;  $P=0.8$ ) ва С/С 1.2 марта (15.9% га нисбатан 13.8%;  $\chi^2=0.1$ ;  $P=0.8$ ) соғлом гуруҳдагилар билан таққослаганда ишончли аҳамиятга эга эмаслиги аниқланган.

СГ ва ЖС билан оғриган беморлар гуруҳлари ўртасида IL1  $\beta$  (Т-31С) полиморф гениндаги фарқлар даражасини қиёсий баҳолаш бир хил даражада муҳимдир. Бунга асосланиб, СГ гуруҳида Т асосий аллелининг учраш даражасини 1,8 баравар ошишга мойиллиги аниқланган эди (76.3% га нисбатан 64.8%;  $\chi^2=2.6$ ;  $P=0.2$ ).

Ҳолбуки, заифлашган С аллел учраш даражасида камроқ (23.7% га нисбатан 35.2%;  $\chi^2=2.6$ ;  $P=0.2$ ), Т/С генотипларида (31.6% га нисбатан 38.6%;  $\chi^2=0.4$ ;  $P=0.6$ ) ва С/С (7.9% га нисбатан 15.9%;  $\chi^2=1.2$ ;  $P=0.3$ ), шунингдек асосий Т/Т генотипининг даражасида (60.5% га нисбатан 45.5%;  $\chi^2=1.9$ ;  $P=0.2$ ) фарқлар сезиларли даражага етмаганлиги аниқланган эди.

**3-Жадвал.**

**СЖКда IL1  $\beta$  (Т-31С) полиморф геннинг функционал аҳамияти таҳлили**

Гуруҳлар	Аллел ва генотип лар	Назорат гуруҳга нисбатан фарқ			
		$\chi^2$	P	OR	95% CI:
1-чи асосий СЖК гуруҳи, (n=82)	Т	0.2	0.70	1.1	0.69 - 1.76
	С	0.2	0.70	0.9	0.57 - 1.46
	Т/Т	0.1	0.80	1.1	0.6 - 2.04
	Т/С	0.0	0.95	1.0	0.51 - 1.83
	С/С	0.1	0.80	0.9	0.35 - 2.18
2-чи СГ гуруҳи,	Т	1.7	0.20	1.5	0.81 - 2.81

<b>(n=38)</b>	<b>C</b>	1.7	0.20	0.7	0.36 - 1.24
	<b>T/T</b>	1.1	0.30	1.5	0.7 - 3.35
	<b>T/C</b>	0.2	0.70	0.8	0.36 - 1.85
	<b>C/C</b>	0.8	0.40	0.5	0.14 - 2.02
<b>3-чи ЖС гуруҳи, (n=44)</b>	<b>T</b>	0.3	0.60	0.9	0.5 - 1.49
	<b>C</b>	0.3	0.60	1.2	0.67 - 2.01
	<b>T/T</b>	0.2	0.70	0.8	0.4 - 1.74
	<b>T/C</b>	0.1	0.80	1.1	0.52 - 2.36
	<b>C/C</b>	0.1	0.80	1.2	0.42 - 3.32

СЖК билан оғриган беморларнинг асосий гуруҳида IL6 (C-174G) полиморф генининг тақсимлашдаги назорат гуруҳи билан таққослаганда, мутант аллелнинг C 1.6 баравар кўпайиши тенденцияси кузатилди (33.5% га нисбатан 24.4%;  $\chi^2=3.3$ ; P=0.1) ва асосий қулай G аллел частотасининг пасайишида (66.5% га нисбатан 75.6%;  $\chi^2=3.3$ ; P=0.1; OR=0.6). Шу билан бирга, G/G генотипик частоталари ўрганилган иккала гуруҳ ўртасида (48.8% нисбатан 60.0%;  $\chi^2=2.1$ ; P=0.2), G/C (35.4% га нисбатан 31.2%;  $\chi^2=0.3$ ; P=0.6) ва C/C (15.8% га нисбатан 8.8%;  $\chi^2=1.9$ ; P=0.2; OR=2.0) аниқланган фарқлар муҳим даражага етиб бормади (4-Жадвал)

#### 4-жадвал

**СЖКда IL6 (C-174G) полиморф геннинг функционал аҳамияти таҳлили**

Гуруҳлар	Аллел ва генотип лар	Назорат гуруҳ билан таққослагандаги фарқ			
		$\chi^2$	P	OR	95% CI:
<b>1-чи асосий СЖК гуруҳи, (n=82)</b>	<b>G</b>	<b>3.3</b>	<b>0.1</b>	<b>0.6</b>	<b>0.39 - 1.04</b>
	<b>C</b>	<b>3.3</b>	<b>0.1</b>	<b>1.6</b>	<b>0.97 - 2.54</b>
	<b>G/G</b>	2.1	0.2	0.6	0.34 - 1.18
	<b>G/C</b>	0.3	0.6	1.2	0.63 - 2.32
	<b>C/C</b>	1.9	0.2	2.0	0.75 - 5.15
<b>2-чи СГ гуруҳи, (n=38)</b>	<b>G</b>	0.9	0.4	0.7	0.4 - 1.36
	<b>C</b>	0.9	0.4	1.3	0.73 - 2.47
	<b>G/G</b>	0.6	0.5	0.7	0.34 - 1.61
	<b>G/C</b>	0.1	0.8	1.1	0.5 - 2.6
	<b>C/C</b>	0.5	0.5	1.6	0.47 - 5.31
<b>3-чи ЖС гуруҳи, (n=44)</b>	<b>G*</b>	<b>4.0</b>	<b>0.05</b>	<b>0.6</b>	<b>0.32 - 0.99</b>
	<b>C*</b>	<b>4.0</b>	<b>0.05</b>	<b>1.8</b>	<b>1.01 - 3.11</b>
	<b>G/G</b>	2.4	0.2	0.6	0.27 - 1.16

	<b>G/C</b>	<b>0.3</b>	<b>0.6</b>	<b>1.3</b>	<b>0.58 - 2.73</b>
	<b>C/C</b>	<b>2.4</b>	<b>0.2</b>	<b>2.3</b>	<b>0.8 - 6.75</b>

IL6 (C-174G) полиморф генининг СГ билан оғриган беморлар гуруҳининг назорат гуруҳидаги нисбатан тақсимлашда, салбий С аллел частотаси 1,3 марта ошган бўлса ҳам (30.0% га нисбатан 24.4%;  $\chi^2=0.9$ ;  $P=0.4$ ; OR=1.3), G/ С нинг гетерозигот варианты 1,1 марта марта кўпроқ учраган бўлса ҳам (34,2% га нисбатан 31,2%;  $\chi^2=0.1$ ;  $P=0.8$ ; OR=1.1) ва мутант гомозигот вариант С/С 1,6 марта кўпроқ қайд этилган бўлса ҳам (13,2% га нисбатан 8,8%;  $\chi^2=0.5$ ;  $P=0.5$ ) гуруҳлар ўртасида аҳамиятли фарқлар аниқланмади. Шунингдек, аҳамиятли даражада ишончли фарқлар асосий мақбул G аллели частотасида (69,7% га нисбатан 75,6%;  $\chi^2=0.9$ ;  $P=0.4$ ) ва G/G генотипида (60,0% га нисбатан 52,6%;  $\chi^2=0.6$ ;  $P=0.5$ ) ҳам аниқланмади.

IL6 (C-174G) полиморф гени бўйича ЦП билан оғриган беморлар гуруҳи ва назорат гуруҳи ўртасидаги фарқлар мутант С аллели частотасининг статистик аҳамиятли даражада юқори эканлиги (35,4% га нисбатан 24,4%;  $\chi^2=4.0$ ;  $P=0.05$ ) ва асосий G аллели частотасининг паст эканлиги (63,6% га нисбатан 75,6%;  $\chi^2=4.0$ ;  $P=0.05$ ) билан характерланди. Шу билан бирга, гетерозигот G/C частотасида аҳамиятли фарқлар кузатилмаган ҳолда (36,4% га нисбатан 31,2%;  $\chi^2=0.1$ ;  $P=0.8$ ), мутант С/С генотипи частотасининг ошишига мойиллик (18,2% га нисбатан 8,8%;  $\chi^2=2.4$ ;  $P=0.2$ ) ва асосий мақбул G/G генотипини ташувчилар сонининг камайиши (45,5% га нисбатан 60,0%;  $\chi^2=2.4$ ;  $P=0.2$ ) тенденцияси қайд этилди.

